

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал- Демократик партияси Сиёсий
Кенгаши Ижроия қўмитаси

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ
ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДАГИ
ИСЛОҲОТЛАР – ТИЗИМЛИК,
ИЗЧИЛЛИК ВА ЎЗARO БОҒЛИҚЛИК”**

мавзусидаги ёш олим ва катта илмий ходим-изланувчилар
илмий-амалий анжумани ва илмий ишлар танлови

Фарғона водийси минтақавий босқичи
материаллари
ТЎПЛАМИ

1. Давлат ва жамият бошқарарувини демократлаштириш
ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва Суд-ҳуқуқ
тизимини ислоҳ қилиш.
2. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва
иқтисодиётни либераллаштириш.

Андижон-2013.

ТЕХНОЛОГИЯСИ". Қ.Давронов, С.Мўминов, Г.Хожиева Фаргона политехника институти.....	200
58.КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯНИ ЎРНИ. Рахимов Б.И. - НамДУ катта илмий ходим -изланувчиси.....	203
59.ОИЛАВИЙ БИЗНЕС – АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ. Баймирзаев Д.Н. - НамДУ, ўқитувчи.....	207
60.ЖАДИДЛАР ҚАРАШЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТСОДИЙ ИСЛО-ҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ИҚТСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ.Бойкишева Д.А. - АҚХИ мустақил тадқиқотчи изланувчиси.....	211
61.ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИ. Абдуллаева Д.А.....	218
62.ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ. Қодиров Н.М., НамМПИ.....	221
63.НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ. ТДТУ Магистранти С.А.Мирзаев.....	227
64.ОБОД ТУРМУШГА МУСТАҲҚАМ ОИЛА БИЛАН. Тош. ДЮ университети Илмий тадқиқот маркази грант кичик илмий ходими М.М.Хайитов.....	231
65.Худудий саноат корхоналарига сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ривожлантириш истикболлари.Халилов Н. Х. - АндМИ "Иқтисодиёт" кафедраси тадқиқотчиси.....	235
66.ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТСОДИЙ АСОСЛАРИ. Шерматов Э.Қ- НамМПИ.....	240
67.ОЛИВА В ДОЛИНЕ. Юлдашева Х.Т. - АГУ, СНСИ.....	242
68. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Мўминов Қ.Т. – НамДУ.....	245
69.МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР МЕЗОНИ Абдумаликова Д – ВКМОҚТИ ўқитувчиси, Абдумаликов Илмжон МФХТМА кафедраси асисенти.....	247
70. ДИНШУНОСЛИК ДАРСЛАРИДА ЯНГИ ПЕДТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ Собиров Д.А. – АДУ Фалсафа кафедраси ассистенти.....	249

НЕФТЪ-ГАЗ ТАРМОГИНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

ТДТУ Магистранти С.А.Мирзаев

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов, «хорижий шериклар билан фаол мулоқот ўрнатиш, чет эл сармоясини, илгор технологияни мумкин қадар кўпроқ жалб этиш зарурлиги тўғрисида мунтазам гапиряпмиз. Чунки бу янги иш жойи, тайёр маҳсулот демакдир. Бу жаҳон бозорига чиқиш ва пировард натижада республикаимиз, халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. Биз биргаликда ҳамкорлик қилишга чет элликларни кизиктира олиш маҳоратини эгаллашимиз, уларнинг сармоясини келтиришимиз зарур. Чет эл сармоялари билан алоқа ўрнатмаган хўжаликнинг келажаги йўқ»¹, деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси миллий хўжалиги бошқарув тизими иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ахлоқий, рухий ва бошқа муносабатлар йиғиндисидан иборат бўлиб, уларнинг орасида энг муҳими иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Давлатимизнинг ташқи иқтисодий сиёсат тамойилларидан бири тўла ишонч, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш асосида икки томонлама, шунингдек, ҳар томонлама ташқи алоқалар ўрнатиш ва уларни ривожлантириш ҳисобланади².

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, иқтисодиётнинг етакчи соҳалари қатори нефт-газ тармоғи бўйича ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди, Ўзбекистон табиий газни ҳамда нефт ва газдан олинadиган маҳсулотларни экспорт қиладиган етакчи давлатлардан бирига айланди. Маълумки, стратегик бошқаришни амалга оширишда аксарият стратегик режалаштиришга суянилади³. Асосий узок муддатли мақсадларни аниқлаш - кетма-кет бажарилиши кутилаётган стратегик мақсадларни белгилаб олишдир. Ресурсларни жойлаштириш олдинга қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган молиявий харажатлар билан боғлиқдир⁴.

Чет эллик кузатувчиларнинг таҳлилига қараганда, эркин бозори мавжуд бўлган, саноати ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни режалаштиришда узок муддатли режалаштириш таҳлилини ҳукумат ҳам қўллаб-қувватлайди⁵.

Ўзбекистоннинг узок муддатли истиқболга мўлжалланган муҳим устувор йўналиши «асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва

¹ Ислом Каримов. «Иқтисодий ислохот – таракқиётимиз асоси». (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзланган нутқ. 1993 йил 22 декабрь). – Т.: Ўзбекистон, 1993.

² Иқтисодиёт назарияси. Кўргазмалли ўқув қўлланма. – Т.: «Шарк», 1997, 89-бет.

³ Ишлаб чиқариш менежменти. Ўқув қўлланма. II қисм. Ибрагимова С.А., Алимходжаев С.Р. - Тошкент: ТошДТУ, 2006, 29-бет.

⁴ Б.Каттақишиев, И.Мамаюсулов. Стратегик менежмент фанидан практикum. – Т.: «Фан ва технология», 2008, 14-бет.

⁵ Якубов, И.О., Очиллов, К.Т., Абдусатторова, Х.М., Сятдиқова, Л.А. Стратегик режалаштириш (Ўқув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2004, 172-бет.

технологик янгилашга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат”⁶.

Хозирда стратегик маънода ўсишга эришиш учун асосий эътибор ёқилғи-энергетика комплексининг илдам суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, нефть ва табиий газ казиб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлаш ҳажмларини ошириб бориш, республиканинг энергетика мустақиллигига эришишига қаратилди⁷.

Мамлакатга чет эл инвестицияларининг кириб келиши табиий ва меҳнат ресурсларининг арзонлигига ва бошқа шарт-шароитларга асосланади. Шунинг билан бирга улар иқтисодиётда янги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини таъминлаш орқали уларга янги малака, технологиялар, “ноу-хау”, бошқарув тажрибаси, тежамкорлик маҳоратларини ва бошқа соддий ва номоддий бойликларни киритадилар. Чет эл инвестицияларининг мамлакат иқтисодиётига жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштиради ва иқтисодий қудратининг ошишини таъминлашга хизмат қилади⁸. Техникавий омиллар - технологик жиҳозлар, усқуналар, асбоб ва назорат воситалари ҳолати, дастлабки материаллар, хом ашё ва жамловчи бўномлар сифати, техникавий ҳужжатлар ва бошқалар ҳолати ва сифатидан иборат.

Хорижий инвестициялар қўшма корхоналарда ўз хиссаси билан катнашиш, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда катна⁹шиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, кимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришлари мумкин¹⁰.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга ўтиш стратегиясида хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишдан асосий мақсад мамлакатимизда ва хорижда тўпланган билим, тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобланади¹¹.

Жами суюқ ва табиий газ углеводород хомашёсини казиб яқариш йиллик ҳажми бўйича эса Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида етакчилик қилади¹².

Инновацион-технологик ривожланиш анча катта молиявий ресурслар ва муайян вақтни талаб этади. Нефть ва газ саноатини ривожлантириш нефть ва газни геологик-қидирув ишларини амалга оширишни, мавжуд қувватларни қайта жиҳозлаш, уларни углеводород хом ашёсини янада чуқурроқ қайта

⁶ Каримов И.А. Асосий вазирамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент, Ўзбекистон, 2010, 65-бет

⁷ Икромов М.А., Қўчқоров А.Х. Стратегик менежмент: ўқув қўлланма. – Т.: Ғофур Ғулом, 2005, 11-бет.

⁸ А.С.Жўраев, Д.Ю.Хўжамкулов, Б.С.Маматов. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Шарк”, 2003, 32-бет.

⁹ Л.В.Перегулов, Р.Р.Файзиёв, Ф.Р.Исматуллаев, М.Х.Саидов, О.С.Обидов. Махсулот сифати ва рақобатдошлигини бошқариш. – Т.: “Молия” нашриёти, 2002, 75-бет.

¹⁰ Имомов Х.Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛНИЯ”, 2010, 122-бет.

¹¹ Д.Эшбобоев. Инновацион ривожланиш истиқболлари. – “Жамият ва бошқарув” журнали, 2-сон, 2011, 77-бет

¹² Абидов А.А. Дунё нефтгазли ҳудудлари ва акваториялари. – Т.: “Шарк”, 2009, 38-бет

ишлашга йўналтириш, авиакеросин, дизель ёқилгиси ва бензинга бўлган ички эҳтиёжни тўлақонли кондиришни кўзда тутди¹³.

Ўзбекистонда нефт-газ тармоғини бошқариш “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси томонидан амалга оширилади. Холдинг компанияси фаолиятининг мақсади – барча бошқарув тизимини йўналтириш ва назорат қилиш, бунда ҳар бир бўлим, звенога алоҳида эътибор берилди. Ҳар бир холдингга кирувчи корхоналарда фойда миқдорини белгилаш орқали умумий гуруҳ сифатида сезиларли натижага эришди¹⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 06 апрелдаги № ПФ-617 сонли қарорига кўра “Ўзбекнефтгаз” МХК корхоналарини пармалаш қурилмалари ва ЗД сейсмокидирув комплекслари билан жиҳозлаш кўзда тутилган бўлиб, мазкур ҳужжатни ижроси бўйича “Ўзбекгеофизика” ОАЖ корхоналари учун Франциянинг “Серсель” компаниясидан 800 каналли ЗД сейсмокомплекси 12 та сейсмотебраниш аппаратлари билан, 12 та пармалаш лабораториялари, 242 та кудук қурилмалари ҳамда бошқа кудукларда геофизик тадқиқотлар олиб бориш комплекслари сотиб олинди. 2002-2009 йиллар мобайнида пармалаш корхоналари ва акциядорлик жамиятлари учун Хитой ва АҚШда ишлаб чиқарилган 4 туркумдаги замонавий стационар ва мобил пармалаш қурилмаларидан 34 комплект сотиб олинди. Мазкур қурилмалар нефтгаз тармоғи бўйича жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган ускуналар билан жиҳозланган¹⁵.

Нефть хом ашёсини ишлаб чиқарадиган корхоналар нефтни қайта ишловчилар ва нефть маҳсулотларини чаканалаб сотувчиларни ўз фойдаси ҳисобига субсидиялайди¹⁶. Келгусида ушбу номуносивбликларни босқичма-босқич бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим бўлади.

Бир қатор чет эл компаниялари мамлакатимиз нефт-газ тармоғида қўшма корхоналар ташкил этиш, янги конларни қидириш, ишга тушириш ва биргаликда фойдаланиш, илғор хорижий тажрибаларни Ўзбекистон шароитида амалга ошириш юзасидан ҳар икки томон учун манфаатли битимларни тузмокда. Масалан, “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компаниясининг бевосита иштирокида амалга ошириладиган “Жануби-Ғарбий Ҳисор” лойиҳаси 2007 йил январда 36 йил муддатга имзоланди ва 2007 йил апрелда кучга кирди. Россиянинг ЛУКОЙЛ компанияси 2008 йилнинг март ойида ушбу лойиҳага қўшилди. Контракт ҳудуддаги ишларни “ЛУКОЙЛ Ўзбекистон” операцион компанияси амалга оширади ва унда 800 га яқин одам меҳнат қилади ҳамда уларнинг 90% ини Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади. Лойиҳа бўйича 2012

¹³ Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. – Т.: KONSAUDITINEORM-NASHR, 2011, 214-бет.

¹⁴ Назарова Ж.Ж., Алиева М.Т., Сафаров Н.Ч. Халқаро бизнес стратегияси. Ўқув қўлланма.- Т.: Тафаккур бўстони, 2011, 95-бет.

¹⁵ Хусенов Ш.У. Модернизация, техническое и технологическое перевооружение подразделений акционерной компании “УЗГЕОБУРНЕФТЕГАЗ”. – Ўзбекистон нефть ва газ журналі, май, 2012, 51-бет

¹⁶ Саидов М. Табиий монополиялар соҳаларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми. – “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журналі, 2007,4-сон, 16-бет

йилнинг январ ойи ҳолатига аниқланган захиралар 1,1 трлн. куб. фут газ ҳамда 15 млн. баррел нефт ва газ конденсатини ташкил этади.

“Ўзбекнефтгаз” МХК томонидан тармок корхоналарида янги технологиялар ва илғор менежмент усулларини жорий қилиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда¹⁷.

Ўзбекистонда иктисодиётни модернизациялашда саноатнинг замонавий тармокларини ташкил этувчи йирик ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш муҳим ўрин тутди¹⁸. Бунга, 2012 йилнинг иккинчи ярмида “Ўзбекнефтгаз”, Жанубий Африканинг Sasol ва Малайзиянинг Petronas компанияси ҳамкорлигидаги лойиҳа бўйича Қашқадарё вилоятида қиймати 4 млрд долларлик GTL заводининг қурилиши бошланганлигини далил қилиб келтириш мумкин.

Синтетик суюқ ёқилғини қайта ишлаш бўйича бундай йирик лойиҳа дунёда бор-йўғи иккитадир, Ўзбекистондагиси эса учинчиси бўлади. Шўртган газ-кимё мажмуаси янги объектга ўз маҳсулотини етказиб беради, унинг асосида эса заводда авиакеросин каби юқори сифатли ёқилғи ишлаб чиқарилади. Суткасига 38 минг баррелни қайта ишлаш учун техникавий-иктисодий асосни тайёрлаш ишлари 2011 йил ўртасида якунланди. Ўз иктисодиётини модернизация қилиш ва жаҳон майдонида ўз позицияларини мустаҳкамлаш йўлидан бораётган мамлакатимизда Малайзиянинг “Petronas” компаниясининг ҳамкорлиги ва нефт-газ соҳасидаги илғор тажрибаси муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз нефт-газ тармоғида илғор хорижий тажрибалардан фойдаланилаётганлигини Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур заводда диверсификацияланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, бунга 2012 йилнинг июл ойидан бошлаб техник мойларни экспортга чиқарилганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳар қуни савдога чиқариладиган мойларнинг ўртача миқдори 5 минг тоннани ташкил этади, Хусусан, И12А, И20А ва М20А маркадаги мойларни савдога қўйиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Фарғона заводи яқин кунларда хориж компаниялари орасида катта талабга эга бўлган гач, битум ва кокс каби нефть маҳсулотларини ҳам савдога чиқара бошлайди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ёқилғи-мойлаш материалларини ишлаб чиқарувчи Марказий Осиё минтақасидаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Ўзининг 50 йиллик тарихи давомида завод нефть маҳсулотлари ва халқ истеъмоли маҳсулотларининг 60 дан зиёд турини ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон нефть-газ тармоғининг стратегик бошқарувини такомиллаштириш бўйича илғор хорижий тажрибалардан унумли фойдаланиш мамлакатимизда кенг йўлга қўйилди. Бунга, мазкур соҳада ҳамкорлик қилаётган йирик чет эл компаниялари томонидан тўғридан - тўғри инвестицияларни киритилиши, замонавий техника

¹⁷ Давлат қурилиши ва бошқаруви. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007, 463-бет

¹⁸ Султонмуродова Д. Иктисодиётни модернизациялаш: иктисодий мазмуни, зарурлиги ва амалга ошириш шарт-шароитлари. - “Иктисодиёт ва таълим” илмий журнали, 2012, 1-сон, 5-бет